



# МИГРАНТЛАР УЧУН ЭСЛАТМА



НОВОСИБИРСК

## ЧЕТ ЭЛ ФУҚАРОСИ УЧУН ЭСЛАТМА

Бу эслатма Сизга бизнинг мамлакатимиз худудида қонун талаби-га кўра бўлишнинг асосий қоидалари: чегарани кесиб ўтиш, миграция рўйхатдан ўтиш тартиби билан танишишга ёрдам беради. Фавқулодда вазиятларда нима қилиш керак, қаерга қўнғироқ қилиш керак? Ватан-дошларингизни қандай топиш ва шаҳарнинг этно-маданий ҳаётига қандай кўникиш мумкин? - деган саволларга жавоб оласиз.

Россиядаги муҳожирлик ўрни тутиш меъёрий қоидалари тушу-ниш ва уларга риоя қилиш учун ушбу эслатмадан фойдаланинг.

Эслатма «Новосибирск шаҳри худудида экстремизмнинг олдини олиш, унинг намоён бўлиш оқибатларини минималлаштириш ва (ёки) бартараф этиш» муниципал дастурни амалга ошириш доирасида нашр этилган.

## **Новосибирскнинг хурматли меҳмонлари!**



### **Севимли шаҳримизда Сизларни олқишлайман!**

Новосибирск – Россиянинг энг йирик муниципалитети, мамлакатнинг учинчи шаҳри, ҳозирги кунда бу ерда 1 млн 600 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади.

130 йил давомида Новосибирск кичик Ново-Николаевск поселкасидан Сибир минтақасининг савдо, бизнес, маданият, саноат, транспорт ва илмий марказига айланди.

Улуғ Ватан уруши даврида шаҳримиз босиб олинган ҳудудлардан келган қочқинлар учун иккинчи уйга айланди. Корхоналар бу ерга қўчирилган маданий қадриятлар олиб келинган. Новосибирск аҳолисининг 2020 йилдаги жасорати хотирасига бизнинг шаҳримиз "Меҳнат жасорати шаҳри" унвонига сазовор бўлди! Ушбу воқеа шарафига Калинин майдонида ёдгорлик тоши ўрнатилган.

Бугунги кунда шаҳримиз жадал ва фаол ривожланмоқда: янги кичик ноҳиялар қурилмоқда, инфратузилма такомиллаштирилмоқда, иқтисодий шароитлар яхшиланмоқда.

Новосибирск – бу, имкониятлар шаҳри. Бу ерда ўз ғояларингизни амалга ошириш, ўқиш ва ишлаш имконияти мавжуд. Бугунги кунда шаҳарда 120 дан ортиқ турли миллат вакиллари истиқомат қилади, ва уларнинг барчаси бизнинг дўстона Новосибирск оиламизда тинч-тотувликда яшашмоқда.

2022 йилда Новосибирск Россиянинг Янги йил пойтахтига айланди. Бир неча ҳафта давомида Новосибирск кўп миллатли мамлакатимизнинг аксига айланди, турли халқларнинг янги йил анъаналари ва урф-одатларини ўзида намойиш этди!

Новосибирскка хуш келибсиз! Умид қиламанки, сиз бизнинг шаҳримизни чинакам севиб қоласиз ва у сиз учун иккинчи уйингизга айланади.

**Хурмат билан,  
Новосибирск шаҳри мэри  
Анатолий Локоть**



## **Хурматли диндош азиз биродарлар ва опа-сингиллар!**

### **Ассалому алайкум ва-рахмату-Ллахи ва-баракотух!**

*Сизни меҳмондўст ва саховатли  
Новосибирск шахрида чин дилдан қутлай-  
ман!*

*Россия – бу кўплаб халқлар ва динлар-  
нинг вакиллари тинчлик ва ҳамжиҳат-  
ликда яшайдиган мамлакатдир. Россияда-  
ги Ислом анъанавий динлардан биридир,  
рус мусулмонлари ўзларининг ер юзидаги  
Ватанларини «дар ас-салом» ва «дар аш-  
шахада» деб қабул қиладилар. Биз диндош  
биродарларимизни, шунингдек, бошқа  
динларга эътиқод қилувчи қўшниларимиз-  
ни хурмат қиламиз.*

*Новосибирск кўплаб мусулмонлар учун она шахрига айланган. Биз  
гўзал шахримизни севамиз ва қадрлаймиз. Умид қиламизки, Новосиби-  
рскада бўлиш қувончи ва илиқлиги сизнинг қалбингиздан ҳам жой олади.*

*Россия -дунёвий давлат, бу ерда дин давлатдан ажратилган. Мусул-  
монлар ўз динларига эътиқод қилиш ва маросимларни бажариш ҳуқуқига  
эга, аммо биз атрофимиздаги жамият дунёвий қонунларга мувофиқ  
ташқил этилганлигини тушунишимиз шарт. Қуръонда шундай дейил-  
ган: "Динга эътиқод қилишга мажбурлаш йўқ".*

*Исломнинг энг яхши ташвиқоти- бу сизнинг камтар ва муносиб  
хатти-ҳаракатларингиз, яхши ишларингиз ва раҳмдиллигингиз бўлади.  
Бунни доим ёдда тутинг.*

*«Аллоҳ адолатга риоя қилишни, энг яхши ишларни қилишни ва қарин-  
дошларига совғалар беришни буюради ва жирканчликларни, қораланади-  
ган ишларни ва бебошликни тақиқлайди»*

*Новосибирск – тинчлик ва ҳамжиҳатлик шахри. Умматимиз барча  
муҳтожларга ёрдам беради. Бизда Марказий Осиё давлатларида келган  
имомлар ҳам хизмат қилишади. Улар сизнинг саволларингизга жавоб  
бериш ва ҳар томонлама ёрдам беришдан хурсанд бўлишади.*

*Новосибирск вилояти мусулмонларининг диний маъмурияти сизни  
Красина кўчаси, 56/1 ва Мира кўчаси, 65/4 да жойлашган масжидларда  
доимо кутишади.*

*Сизларни Новосибирск уммасида олқишлаймиз!*

**Новосибирск вилояти муфтийси  
Салим-хазрат Шакирзянов**



**Новосибирск Давлат академик опера ва балет театри**  
Красний Проспекти, 36,  
жамоат транспорти бекати  
метро «Ленин майдони»,  
«Красний Проспекти», «Сибирская»




**Новосибирск Давлат ўлкашунослик музейи**  
Ленин кўчаси, 23  
жамоат транспорти бекати  
метро «Ленин майдони»,  
«Красний Проспекти»



**Новосибирский ҳайвонот боғи**  
жамоат транспорти бекати  
«Новосибирский ҳайвонот боғи»  
Троллейбус № 2  
Маршрутли такси № 11



**Маданият ва истироҳат боғи «Березовая рошса»**  
жамоат транспорти бекати:  
Метро «Березовая рошса»  
Автобуслар №30,35,39,6  
Троллейбуслар №10,22,23



**«Марказий» Маданият ва истироҳат боғи**  
жамоат транспорти бекати «Спартак стадиони» «Опера ва балет театри», метро «Сибирская», «Ленин майдони»  
Трамвай № 13  
Автобуслар № 95 (1095), № 203  
Троллейбус № 36  
Маршрутли такси № 2, № 46 (1016)



### **Шон-шараф монументи**

Улуғ Ватан уруши қатнашчилари- сибирликларга қўйилган ёдгорлик. Новосибирскнинг Ленинск туманида ўрнатилган. Ёдгорликнинг очилиши 6 ноябрь 1967 йилда бўлиб ўтган. Россиянинг маданий мероси объекти ҳисобланади (Станиславский кўчаси)  
жамоат транспорти бекати «Шон-шараф монументи».



### **«Новосибирск - меҳнат жасорати шаҳри» стеласи**

Меҳнат жасорати шаҳри - Россия Федерациясининг фахрий унвони, 1 март 2020 йилдаги федераль қонун билан «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида фронт орти ишчиларининг жасоратини абадийлаштириш мақсадида» ўрнатилган.  
жамоат транспорти бекати метро «Заельцовская», «Калинин майдони».



### **Затулинск дисперс боғи -**

Новосибирск вилоятидаги энг йирик объект Кировск тумани,  
Затулинский тулар-жой массиви  
жамоат транспорти бекати «Кинотеатр Рассвет».



### **Михайловская қирғоқ бўйи**

Новосибирскнинг марказий жойларидан бири.

Бу ерда йирик шаҳар фестиваллари ва концертлари ўтказилади  
жамоат транспорти бекати  
«Речной вокзал» ёки «Парк городское начало».



### **«Заельцовский» Маданият ва истироҳат боғи**

шаҳардаги энг қадимги боғлардан бири, у Новосибирскнинг "яшил марвариди" ҳисобланади. Боғда кўплаб тематик жойлар мавжуд,бу ерда "Болалар темир йўли" бор. жамоат транспорти бекати «ПКиО Заельцовский».



### **Аквапарк «Новосибирск сув дунёси»**

Сибирдаги энг йирик аквапарк. Бу ерда кўплаб сув аттракционлари ва СПА муолажалари мавжуд. Кириш пуллик. жамоат транспорти бекати «Аквапарк».

## **РОССИЯНИНГ МИЛЛИЙ ВА ДАВЛАТ БАЙРАМЛАРИ**

**7 январь** – Исо пайғамбарнинг туғилганига бағишланган христианлар байрами(Рождество Христово)

**23 февраль** - Ватан ҳимоячилари куни

**8 март** – Ҳалқаро аёллар куни

**1 май** – Баҳор ва меҳнат байрами

**9 май** - Ғалаба Куни

**12 июнь** – Россия куни

**4 ноябрь** - Ҳалқлар Бирлиги куни

## РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲУДУДИГА КИРИШ (чегара)

**РОССИЯ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
ҲУДУДИГА КИРИШ**



**Давлат чегара  
пунктида миграция  
картангизни  
тақдим этинг**



**Миграция рўйхатидан ўтиш**  
(келгандан кейин 7 кундан кечиктирмай,  
аммо Евросий иқтисодий Иттифоқидаги  
(кейинги ўринда - ЕАЭС) мамлакатлар фуқаролари  
учун истиснолар мавжуд(30 кун),  
ва Тожикистон фуқаролари (15 кун).



Чет эл фуқароларини бирламчи миграция рўйхатидан ўтказиш (бирламчи рўйхатга олиш) чет эл фуқароси фуқаролигидан қатъи назар, 90 кунгача бўлган муддатга амалга оширилади. Бу чет эл фуқаросига Россияда 90 кунгача қолиш ҳуқуқини беради. 90 кун тугагандан сўнг, чет эл фуқароси Россия Федерацияси ченарасидан 3 ой муддатга чиқиб кетиши ёки рўйхатдан ўтишни узайтириши керак. Шу билан бирга, чет эл фуқароларини рўйхатга олиш муддатини узайтириш фақат асослар мавжуд бўлганда рухсат этилади.

## ҚАЕРДА МИГРАЦИОН РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

**Рўйхатга олиш  
жойидаги Миграция  
бошқармаси ҳудудий  
органида(ГУВД МВД)**

**Кўп функцияли  
марказда (МФЦ)**

**Миграция рўйхатини  
Россия Почтаси  
орқали амалга ошириш**

## КИМ ИШЛАШ УЧУН ПАТЕНТ ОЛИШИ КЕРАК

**Визасиз мамлакатлар фуқаролари**



Озарбайжон



Молдова



Тожикистон



Ўзбекистон



Есенин кўчаси 1 «Г» да жойлашган Миграция марказида

**ПАТЕНТ ШАХСАН КЕЛИБ  
ОЛИНГАНДА БЕРИЛАДИ**




# КИМ ЧЕТ ЭЛЛИК ИШЧИЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШГА ВА ИШЛАШГА РУХСАТ ОЛИШИ КЕРАК

Виза режимига эга бўлган мамлакатлардан ишчиларни жалб қиладиган иш берувчи чет эллик ишчиларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш учун рухсатнома расмийлаштириши керак.

Чет эллик ишчиларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш учун рухсатнома, уларга ажратилган квотани ҳисобга олган ҳолда берилади.

## РОССИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК НАЗАРДА ТУТИЛГАН

### МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК



Ушбу қоидабузарликлар учун маъмурий жарима ёки Россия Федерациясидан чиқариб юбориш кўринишидаги маъмурий жавобгарлик назарда тутилган (Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексининг 18.8, 18.10, 18.15, 19.27 моддаларига мувофиқ (КоАП РФ))



## ЭКСТРЕМИСТИК ЙЎНАЛИШДАГИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР

20.3- модда  
нацистик атрибутлар  
ёки рамзларни тарғиб  
қилиш ва оммавий  
намойиш қилиш

2.0.3.1- модда  
экстремистик  
материалларни  
ишлаб чиқариш  
ва тарқатиш

20.29- модда  
нафрат ёки адоватни  
қўзғатиш, шунингдек,  
инсон қадр-қимматини  
камситиш, агар бу ҳаракатларда  
жиноий жазоланадиган  
ҳаракат бўлмаса.

### РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖИНОЯТ КОДЕКСИДА ТЕРРОРИСТИК ХАРАКТЕРДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК НАЗАРДА ТУТИЛГАН БЎЛИБ БУ БЕШ ЙИЛДАН ЙИГИРМА ЙИЛГАЧА ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ ШАКЛИДА ЖАЗОЛАШГА ОЛИБ КЕЛАДИ!!!

- **205 модда.** Террористик ҳаракатлар;
- **205.2 модда.** Террористик фаолиятни амалга оширишга ёки терроризмни оммавий асослашга оммавий чақириқлар;
- **205.3 модда.** Террористик фаолиятни амалга ошириш учун машғулотларга қатнашиш;
- **205.4 модда.** Террористик жамоани ташкил этиш ва унда иштирок этиш;
- **205.5 модда.** Террористик ташкилот фаолиятини ташкил этиш ва бундай ташкилот фаолиятида иштирок этиш;
- **208 модда.** Терроризм ҳаракати ҳақида атайлаб ёлғон хабар бериш;
- **280 модда.** Оммавий экстремистик фаолиятга чақириқлар;
- **280.1 модда.** Россия Федерациясининг ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган ҳаракатларга оммавий чақириқлар;
- **282 модда.** Нафрат ёки адоватни қўзғатиш, шунингдек, инсон қадр-қимматини камситиш;
- **282.1 модда.** Экстремистик жамоани ташкиллаштириш;
- **282.2 модда.** Экстремистик жамоа фаолиятини ташкиллаштириш.

## ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ЎЗНИ ТУТИШ МЕЪЁРЛАРИ

Россия Федерациясида бўлган ҳар бир чет эл фуқароси ўзи бўлиб турган мамлакатнинг қонунлари, урф-одатлари ва анъаналарига риоя қилиши ва уларни ҳурмат қилиши керак!  
Улар билан Россияга киришдан олдин танишиш керак.



**Кўчада ўзни тутиш хатти-ҳаракатларининг асосий қонидаси бошқаларга ноқулайлик ва муаммо туғдирмасликдир!**

Шаҳар кўчаларида ҳаракатланаётганда, ўнг томонда туриб ҳаракатланиш керак

Телефонда ёки бир-бирингиз билан жуда баланд овозда гаплашиб, бошқаларнинг эътиборини жалб қилманг

Жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичиш ва чекишда, шунингдек ахлат ташлаганлик учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Одамларни ўтиб кетгандан кейин орқага қараманг ва унинг орқасидан кузатманг, уларнинг ташқи кўринишини муҳокама қилманг

Кинотеатр, театр, музейга ташриф буюрганингизда ёки йиғилиш ва оммавий чиқиш вақтида қўл телефонларингизни олдиндан ўчириб қўйинг

Танимаган одамга «Сен» деб мурожаат қилиш мумкин эмас.

Маҳаллий аҳоли билан кўпроқ мулоқот қилишга ҳаракат қилинг, мулоқотни фақат қариндошларингиз ва муҳожир ҳамкасбларингиз доираси билан чеклаб қўйманг, дўстлар ортиринг, байрамларда иштирок этинг, кино, музей, театр, библиотекаларга боринг, рус тилини ўрганинг. Нотаниш анъана ва урф-одатларни, ҳатто улар сиз учун тушунарсиз бўлса ҳам кескинлик билан қабул қилманг. Қўшниларингиз билан саломлашинг, учрашганингизда табассум қилинг, дўстона муносабатда бўлинг. Ёши улуғ одамларга ёрдам таклиф қилинг, болалар аравачаси тутган аёлларга ёрдам беринг.



## ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИДА ЎЗНИ ТУТИШ ХУЛҚИ НОРМАЛАРИ

- Агар сиз болалар билан саёҳат қилаётган бўлсангиз, уларнинг бошқа йўловчиларни безовта қилишига ва шовқин солишига йўл қўйманг.
- **Жамоат транспортида баланд овозда гапирманг.**
- Видео кўрганда ёки музика эшитганда албатта қулоқчинларни ишлатинг.
- **Автобус, троллейбус, трамвай, микроавтобус салоида бўлганингизда, телефонда баланд овозда гапирманг.**
- **Чиқиш учун олдиндан тайёрланинг (айниқса йўловчилар жуда кўп бўлса). Чиқишга шошилаётганингизда йўловчиларни итарманг, олдинда турган одамлардан чиқишларини сўранг ва кейин ўтиш учун рухсат сўраб ўтинг.**
- **Жамоат транспортига кираётганда, бошқа йўловчиларни тегиб кетмаслиги учун рюкзак ёки катта сумкангизни елкангиздан олинг.**
- Йўловчилардан бирига доғ теккизиши ёки шикаст етказиши мумкин бўлган бўёвчи, учи ўткир, ҳамда кесувчи буюмларини олиб юриш тақиқланади.
- Одамлар ўтирадиган жойларга сумка ёки бошқа нарсалар қўйиб банд қилманг.
- Метрода эскалатордан фойдаланганингизда ўнг тарафда туринг, ўтиш вақтида эса чап томондан ўтинг.



## ТИББИЙ ЁРДАМ

Барча чет эл фуқаролари, уларнинг мақомидан (вақтинчалик ёки доимий яшайдан) қатъий назар, Россия ҳудудида тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.



Чет эл фуқароси ҳар қандай мулк шаклидаги тиббий ташкилотда: давлат, шаҳар ва хусусий шифохоналарда тиббий ёрдам олиши мумкин.

Ҳар қандай шаклдаги тиббий ёрдам хусусий шифохонада чет эл фуқаросига пуллик асосда (шахсий маблағлар ҳисобидан) кўрсатилади. Шифохона билан пуллик тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

Давлат ва шаҳар касалхонасида чет эл фуқаросига тиббий ёрдамнинг мақомига қараб ҳам бепул, ҳам пуллик асосда (шахсий маблағлар ҳисобидан) кўрсатилиши мумкин.

## ЁДДА САҚЛАНГ!

Россияда шошилич тиббий ёрдам кўрсатиш барча тоифадаги фуқаролар учун бепул.

Бу шошилич тиббий аралашувни талаб қиладиган шароитлар (бахтсиз ҳодисалар, жароҳатлар, заҳарланиш ва шошилич тиббий аралашувни талаб қиладиган бошқа ҳолатлар) учун кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг бир тури ҳисобланади.

## ХАЙРИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ

Новосибирскда хайрия ташкилотлари ва ижтимоий меҳмонхоналар мавжуд, у ерда сиз ёрдам сўрашингиз мумкин!

Номи	Манзили	Телефон
Фуқароларнинг ижтимоий мослашуви вилоят комплекс маркази, ижтимоий меҳмонхона	Владимирский спуск, 6	+7 (383) 304-88-02
	Весенняя кўчаси, 10Б	+7 (383) 304-88-01
«Линия Жизни (Ҳаёт чизиғи)» фуқароларнинг ижтимоий мослашуви бўйича минтақалараро хайрия жамоат ташкилоти	Игарская кўчаси, 20	8 (800) 2222-911 +7 (383) 278-0-278
	Моторная кўчаси, 20/1	
	Бурденко кўчаси, 62	
	Дзержинский проспекти, 81	

Номи	Манзили	Телефон
«Россия қизил хоч» Бутунроссия жамоат ташкилотининг Новосибирск худудий бўлими	Писарев кўчаси, 4	+7 (383)221-18-55
Собор масжидидаги «Помоги ближнему (яқинингга ёрдам бер)» ижтимоий омбори	Красин кўчаси, 58/1	+7 913 451 18 77
Уй-жойсиз қолган фуқаролар учун ижтимоий хизматлар Епархия комплекс маркази	Восточный посёлкаси, 13а	+7(383) 291-86-68 +7(383) 375-03-03 +7(923) 775-03-03 +7 (913) 915-86-68 8 (800) 222-06-05


## КўП ТАРМОҚЛИ МАРКАЗЛАР (МФЦ)

Хужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун сиз «МОИ ДОКУМЕНТИ (МЕНИНГ ХУЖЖАТЛАРИМ)» давлат ва коммунал хизматлар марказларидан бирига ташриф буюришингиз мумкин:

Манзили	Иш тартиби	Телефон
Площадь Труда, 1 Зыряновская кўчаси, 63 1905 года кўчаси, 83 Дзержинский проспекти, 16 Марат кўчаси, 2 Қрасных зорь кўчаси, 1/ 2 Сибревкома кўчаси, 9 Сибиряков-Гвардейцев кўчаси, 62 Арбузов кўчаси, 6	душанба, чоршанба, жума: 08:00 дан 18:00 гача  сешанба, пайшанба: 08:00 дан 20:00 гача  шанба: 08:00 дан 17:00 гача	МФЦ базасида кўрсатиладиган Давлат ва муниципал хизматлар тўғрисида маслаҳат олиш учун Ягона маълумот хизматига кўнғироқ қилиш мумкин:  052 (шаҳар телефон рақами) (383) 21-77-052 (худудлар бўйлаб кўнғироқ).



## ШАҲАР МИЛЛАТЛАРАРО МАРКАЗИ



Шаҳар миллатлараро маркази Новосибирск ва Новосибирск вилояти "Ҳамдўстлик" миллий-маданий автономиялар ва миллий ташкилотлар ассоциацияси билан яқин ҳамкорликда ишлайди, Новосибирск шаҳрида яшовчи халқларнинг миллий тилларини, маданияти, анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратиш билан шуғулланади, миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантиради.

**Станиславский кўчаси, 29 уй («Вертковская» бекати)  
т. 8 (383) 361-07-02**

**Новосибирск ва Новосибирск вилояти "Ҳамдўстлик"  
миллий-маданий автономиялар ва миллий ташкилотлар  
ассоциацияси - шаҳардаги етакчи ташкилотлардан бири  
бўлиб, у 27 та миллий ташкилотдан иборат.**



**Миллий ташкилотлар раҳбарлари ва фаолияти тўғрисида  
кўпроқ маълумот олиш учун Шаҳар миллатлараро маркази  
ходимларига қўнғироқ қилиш мумкин:  
8 (383) 361-07-02**


## МИЛЛИЙ МАДАНИЙ АВТОНОМИЯЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР:

<p>«Новосибирск шаҳар Махаллий Озербайжон миллий- маданият автономияси» aznkan@mail.ru</p>	<p>«АЛА-ТОО-НОВОСИБИРСК» «Қирғиз маданият маркази» Новосибирск вилояти жамоат ташкилоти alatoonsk@mail.ru</p>	<p>«Новосибирск вилояти Арманларнинг миллий- маданий автономияси» ҳудудий жамоат ташкилоти arm-sib@yandex.ru</p>
<p>«АЛ ХООРАЙ» Новосибирск ҳудудий Хакас маданиятини сақлаш жамоат фонди Lastochka25@mail.ru</p>	<p>«Новосибирск ҳудудий белоруслар миллий- маданият автономияси» n-sancevich@list.ru</p>	<p>«Грузия халқлари ҳамжамияти» Новосибирск ҳудудий жамоат ташкилоти Nsk-Zng@mail.ru</p>
<p>Новосибирск шаҳар «Байкал» Махаллий Бурят миллий- маданият автономияси жамоат ташкилоти enkhe85@mail.ru</p>	<p>«Новосибирск вилояти Ҳудудий Татар Миллий-Маданият автономияси» жамоат ташкилоти amirgareev@rambler.ru</p>	<p>Новосибирск шаҳар «Вятан» Махаллий уйғурлар миллий- маданият автономияси жамоат ташкилоти bashirov@bk.ru</p>
<p>Новосибирск шаҳар Махаллий тожиклар миллий- маданият автономияси жамоат ташкилоти karimov57@mail.ru</p>	<p>«Махтумгули» Туркман жамияти» Туркман маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Новосибирск вилоят жамоат ташкилоти ayro@yandex.ru</p>	<p>«ОТАН» (ватан) Новосибирск вилоятининг «Қозоқ Миллий ва маданий автономияси» ҳудудий жамоат ташкилоти orinkul67@inbox.ru</p>
<p>«Доғистон халқларининг «ДАГ-СИБ» Новосибирск шаҳри миллий-маданий автономияси» маҳаллий жамоат ташкилоти Rubas7@mail.ru</p>	<p>Новосибирск вилояти Корейсларининг Миллий маданий автономияси жамоат ташкилоти vita-begemot@mail.ru</p>	<p>Новосибирск вилояти «Полярная звезда» «Молдова миллий-маданий маркази» ҳудудий жамоат ташкилоти Luceafaru2010@yandex.ru</p>
<p>«Ўзбек-Рус миллий-маданият маркази» Новосибирск ҳудудий жамоат ташкилоти Djurabaeva.gulnara@yandex.ru</p>	<p>Новосибирск шаҳар махаллий украинлар миллий- маданият автономияси жамоат ташкилоти vlpavuk@yandex.ru</p>	<p>«Тожиклар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази» минтақалараро жамоат ташкилоти npoo2008@mail.ru</p>
<p>«Дружба» Новосибирск вилояти тожиклари ҳудудий жамоат ташкилоти muslim2003@mail.ru</p>	<p>«Рус немисларининг Новосибирск минтақавий миллий-маданий автономияси» жамоат ташкилоти kmatiss@yandex.ru</p>	<p>Новосибирск шаҳри «Махаллий яҳудийлар миллий- маданият автономияси» жамоат ташкилоти turetskaya@mail.ru</p>
<p>«Эльпида-Надежда» Новосибирск вилояти Халқ миллий юнон маданий-маърифий ташкилоти elpida-hope@mail.ru</p>	<p>«ДОМ ПОЛЬСКИЙ» Новосибирск шаҳар Халқ миллий поляк маданий-маърифий ташкилоти Judanova.sopfia@yandex.ru</p>	<p>«Россия-Озарбайжон ёшлари уюшмаси» Жамиятга фойдали ва ижтимоий аҳамиятга эга ташаббусларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Новосибирск вилоят жамоат ташкилоти nroo-oram@mail.ru</p>



<p>«Мекендештер (ҳамюртлар)» Новосибирск шаҳар Қирғизлар Халқ миллий-маданий автономияси adiletks@mail.ru</p>	<p>«Шамс (Куёш худоси)» миллий маданият маркази, Езиди миллати маданиятини ўрганишва сақлаш бўйича Новосибирск худудий жамоат ташкилоти Kr_solnechniy@mail.ru</p>	<p>«ПАМИР» Помир халқларининг ижтимоий ва ҳуқуқий мослашувига қўмаклашиш бўйича Новосибирск худудий жамоат ташкилоти akimbek@mail.ru</p>
<p>«ТУУЛУ АЛТАЙ» Маданий Мерос Маркази» Новосибирск худудий жамоат ташкилоти kasenova_n@mail.ru</p>	<p>«Сибир Саха Якутлари Жамоаси» Саха Якутия Республикаси халқлари вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича Новосибирск худудий жамоат ташкилоти v.popov@p-ik.ru</p>	<p>«Найрамдал (Дўстлик)» Мўғул Миллий Маданият Маркази» Новосибирск худудий жамоат ташкилоти Petrov55@mail.ru</p>

## НОВОСИБИРСК ШАҲРИДАГИ ДИНИЙ МУАССАСАЛАР



### Александр Невский номидаги собор

Ҳар куни диний тадбирлар ўтказиладиган Новосибирскдаги православ черкови иштирокчилари миссионерлик ва хайрия тадбирларини фаол олиб борадилар.

Соборда хайрия ва маърифий ишлар билан шуғулланадиган православ биродарлик ва православ опа-сингиллар жамоаси фаолият юритади.

**Манзили: Советская кўчаси, 1а**



### **Ново-Николаевский Мухаммад жоме масжиди**

Новониколаевский Мухаммад жоме масжиди 1916 йилда шаҳарнинг Вокзал қисмида диндорлар ҳисобидан қурилган. Ҳозирги кунда масжид ушбу манзилда жойлашган: Фрунзе кўчаси, 1а.Тарихий масжидга унинг, революциядан олдинги қиёфаси қайтарилди, минораси қайта тикланган.



### **Буддистлар дацани (ибодатхонаси)**

Буддистларнинг «Ринчин» диний ташкилоти Новосибирскда 2012 йилда пайдо бўлган. Бурятларнинг шахсий хайриялари ҳисобига қурилган. Буддистлар ибодатхонаси ҳудудида 2 та юрта бор.

Уларда кўчманчи халқларнинг ҳаёти ва маданияти билан визуал равишда танишиш, тибет тиббиёти бўйича мутахассис ҳузурида бўлиш ва миллий бурят таоми- позини тотиб кўриш мумкин.

**Манзили: Зеленая Горка кўчаси, 1/1-уй.**



### **«Бейт Менахем» синагогаси**

«Бейт Менахем» Новосибирск яхудий жамоат маданий маркази ўз ичига: кутубхона, кошер ресторани ва кошер озиқ-овқат дўкони, болаларни ривожлантириш маркази, спорт мажмуаси, байрам зали ва хайрия ошхонасини, ва 80 йил ичида илк бор- синагогани олади.

Синагогадаги энг илоҳий нарсалар- бу Таврот варақлари ҳисобланади.

**Манзили: Щетинкин кўчаси, 68**

### **Шайх Кунта-Ҳожи Кишиев номидаги жоме масжиди**

2014 йилда Новосибирскда 19 аср иккинчи ярими шейхи Кунта-Ҳожи Кишиев номидаги жоме масжиди очилди. Унинг ҳудудида диний мусулмон тўплам қурилган бўлиб, ўз ичига мадраса, 15 кишилиқ раҳм-шафқат маркази, диндорлар учун уй-жойлар, маданият маркази офислари ва диний тадбирлар ўтказиш хоналари киради.

**Манзили: Мир кўчаси, 65/4**





### **«Суроб Аствацацин» Арман Апостол черкови**

Арман черкови 2018 йилда табаррук қилинган. Черков Сибир учун ғайриоддий меъморий услубда қурилган.

Деворлари чиройли тош ўймакорлиги билан безатилган.

**Манзили: Мочишенское 1-шоссеси, 7/2**



### **«Преображения Господня» Католик собори**

Новосибирск шаҳридаги католик собори Преображенской епархиясида кафедра мақомига эга (маркази Новосибирскда), бош руҳоний Георгий Федосеев.



### **Биби Марямнинг туғилган куни собори (Собор Рождества Пресвятой Богородици)**

Эски диндаги Биби Марямнинг туғилган куни собори Байдукова кўчасида жойлашган.

Бу чодирли қўнғироқ минорали, рус меъморий услубида гиштан қурилган беш гумбазли катта черков 1990-1999 йилларда қурилган. Черков қошида Сибирнинг Эски динчилиги (Старообрядчества) музейи фаолият юритади.

**Манзили: Байдукова кўчаси, 1**

## **ФОЙДАЛИ КОНТАКТЛАР**

### **Қаерга ёрдам сўраб мурожаат қилиш мумкин**

Фавқулодда вазиятда уяли телефондан ҳаёт ва соғлиқ учун таҳдид бўлганида (тез ёрдам, ёнғин, полиция, қутқарувчилар) - ягона 112 рақами (сим-картасиз, ҳисобда пулсиз ва телефон клавиатураси блокланган ҳолда ҳам қўнғироқ қилиш мумкин).

**Қутқариш хизмати** - 01 (уяли телефондан - 101)

**Полиция** - 02 (уяли телефондан - 102)

**Тез ёрдам** - 03 (уяли телефондан - 103)

**Фавқулодда газ хизмати** - 04 (уяли телефондан - 104)

**Фавқулодда вазиятлар қутқариш хизматининг телефон рақами:**

8(383) 266-06-93, 266-15-57, 8-913-891-67

**Россия Ички Ишлар Вазирлиги Новосибирск вилоятидаги**

**Бош бошқармасининг ишонч телефони:**

8 (383) 232-76-75

**Шаҳар гиёҳвандликка қарши комиссиясининг ишонч телефони:**

8(383) 227-45-90

**Россия Ички Ишлар Вазирлиги Новосибирск вилоятидаги**

**Бош бошқармасининг миграция бўйича бошқармаси**

**(Новосибирск ш., Дзержинский проспекти, 12/2):**

8 (383) 278-06-06

**«РОДНИК» ШАҲАР ЁШЛАРНИ ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАШ  
ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК МАРКАЗИ, Народная кўчаси, 13**

8 (383) 276-02-12



## ҲУДУДИЙ МИГРАЦИЯ БЎЛИМЛАРИ:

### **1-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Марказий»(Новосибирск ш., Трудовая кўчаси, 15)  
8(383) 232-60-76

### **2-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Железнодорожный» (Новосибирск ш., Октябрьская кўчаси, 10)  
8(383) 210-20-31

### **3-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Заельцовский» г. (Новосибирск ш., Д.Ковальчук кўчаси, 396а)  
8(383) 232-60-65

### **4-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Калининский» (Новосибирск ш., Д.Ковальчук кўчаси, 396а)  
8(383) 226-29-97

### **5-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Дзержинский» (Новосибирск ш., Дзержинский проспекти, 69)  
8(383) 232-60-15

### **6-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Октябрьский» (Новосибирск ш., Никитин кўчаси, 70)  
8(383) 232-60-42

### **7-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Ленинский» (Новосибирск ш., Костичева кўчаси, 14)  
8(383) 232-60-50

### **8-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Кировский» (Новосибирск ш., Сибиряков-Гвардейцев кўчаси, 64)  
8(383) 342-81-90

### **9-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Первомайский» (Новосибирск ш., Первомайская кўчаси, 214)  
8(383) 337-04-60

### **10-сонли Полиция бўлимининг миграция бўлини маси**

Россия УМВД Новосибирск шаҳри бўйича «Советский» (Новосибирск ш., Кутателадзе кўчаси, 1)  
8(383)332-08-54

### **Россия Бердск шаҳри бўйича МВД бўлимининг миграция бўлини маси**

(Бердск ш., Пушкин кўчаси, 35)  
8(383) 413-00-77



**2ГИСДА** ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ВА ҲАР БИР ТАШКИЛОТ ТЎҒРИСИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ МАВЖУД: МАНЗИЛ, КОНТАКТЛАР, ИЗОҲЛАР ВА ФОТОСУРАТЛАР, ХИЗМАТЛАР ТУРИ. ТАШКИЛОТЛАРНИ ҲАМ НОМИ БИЛАН, МАСАЛАН, («ШАРҚ ТАОМЛАРИ ХАЛОЛ КАФЕСИ»), ҲАМДА ФАОЛИЯТИ БЎЙИЧА ҲАМ («НОВОСИБИРСК АВТОСТАНЦИЯЛАРИ») ТОПИШ МУМКИН



**M-HELP** МОБИЛ ИЛОВАСИ РОССИЯГА ИШЛАШ ЁКИ ЎҚИШ УЧУН КЕЛГАНЛАР УЧУН ЯРАТИЛГАН. ИЛОВА ЁРДАМИДА ФОЙДАЛАНУВЧИ, ЮРИСТ ЁКИ ВРАЧДАН БЕПУЛ ОНЛАЙН МАСЛАҲАТ ОЛИШИ МУМКИН, ШУНИНГДЕК РФ МИГРАЦИЯ СИЁСАТИГА ТЕГИШЛИ БАРЧА ЯНГИЛИКЛАРДАН ХАБАРДОР БЎЛИШИ МУМКИН.



**«ПОЧТА РОССИИ» (РОССИЯ ПОЧТАСИ)** ИЛОВАСИ ОРҚАЛИ СИЗ НАВБАТЛАРСИЗ:

- ТАХМИНИЙ ОҒИРЛИҚДАГИ ПОСИЛКАНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ;
- РОССИЯ ВА ХАЛҚАРО ЮКЛАР БЎЙИЧА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА НАРХИНИ ҲИСОБЛАШИНГИЗ;
- ЭНГ ЯҚИН ПОЧТА БЎЛИМИНИ ТОПИШИНГИЗ;
- ДАВЛАТ ТОМОНИДАН РАСМИЙ ХАТЛАРНИ ОЛИШИНГИЗ;
- ЖАРИМАЛАРНИ ЧЕГИРМА БИЛАН ТЎЛАШИНГИЗ ВА ЯНА КЎП НАРСАЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШИНГИЗ МУМКИН.



**«МОИ ДОКУМЕНТЫ» (МЕНИНГ ҲУЖЖАТЛАРИМ)** ИЛОВАСИ РОССИЯДАГИ ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН, УНДА СИЗ ҚУЙИДАГИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТОПИШИНГИЗ МУМКИН: СИЗГА ЯҚИН МФЦ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛНИ, ШУНИНГДЕК У ЕРДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНИ. БУНИНГ УЧУН ХИЗМАТЛАР ИЧИДАН КЕРАГИНИ ТАНЛАШ ВА ҚУЛАЙ ВАҚТГА ҚАБУЛГА ЁЗИЛИШ КЕРАК.

**ИЛОВАЛАРНИ APP STORE ВА GOOGLE PLAY STORE  
ДА СМАРТФОНИНГИЗГА ЮКЛАБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.**









